

Иймоннинг зиёси тафаккурдир



09:25 / 07.12.2018 3255

Муслмон уламоларимиз ҳам тафаккур ҳақида ажойиб фикрларни билдирганлар.

Имом Ғаззолий «Иҳё»да ёзади: «Луқмон ёлғиз ўзи узоқ ўтирар эди. Хизматкори унинг олдидан ўтаётди: «Эй Луқмон! Ёлғиз ўзинг узундан-узоқ ўтирасан. Бундан кўра одамлар билан ўтирсанг яхшимасми?» дер эди.

«Узоқ вақт ёлғиз қолиш фикрлашга қулай, узоқ фикрлаш эса жаннат йўлининг кўрсаткичидир», дерди Луқмон».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Тафаккур ила ўқилган икки рақъат қисқа намоз тун бўйи фикрсиз бедор бўлгандан яхшидир».

Умар ибн Абдулазиз айтади: «Аллоҳ азза ва жалланинг неъматлари ҳақида фикр юритиш энг афзал ибодатдир» (4-жуз, 224-225-бетлар).

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади: «Бир соат тафаккур қилиш бир кечани бедор ўтказишдан яхшидир» (242-бет).

Имом Жалолиддин Суютий «Ад-Дуррул Мансур» тафсирларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Қурайшликлар яҳудийларга бориб: «Сизларга Мусо келтирган мўъжиза нима?» дедилар.

«Асо ва назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринадиган қўли», дейишди.

Насороларга бориб: «Ичингизда у қандай бўлган эди?» деб сўрадилар.

«Туғма кўр ва песни тузатар ҳамда ўликни тирилтирар эди», дейишди.

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Роббингга дуо қил. Бизга Сафони тилла қилиб берсин», дейишди.

Бас, у зот дуо қилдилар ва **«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ҳамда кеча-кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун оят (белги)лар бор»** ояти нозил бўлди.

Бас, улар ана шу ҳақда тафаккур қилсинлар» (2-жуз, 407-бет).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Барча нарсалар ҳақида тафаккур қилинг. Фақат Аллоҳнинг зоти ҳақида тафаккур қилманг» (409-бет).

Вакийъ ибн Жарроҳнинг «Зухд» китобида шундай дейилади:

«Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинади:

«Умму Дардодан: «Абу Дардонинг афзал ибодати нима эди?» деб сўрадим.

«Тафаккур ва эътибор эди», деб жавоб берди» (474-бет).

Имом Жалолиддин Суютий «Ад-Дуррул Мансур» тафсирларида қуйидагиларни ёзади:

«Омир ибн Абду Қайсдан ривоят қилинади: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча саҳобаларидан: «Иймоннинг зиёси ёки иймоннинг нури тафаккурдир», дейишганини эшитдим» (2-жуз, 409-бет).

Тафаккурнинг фойдалари:

1. Тафаккур Аллоҳнинг розилиги ва муҳаббатига олиб борувчи йўлдир.
2. Тафаккур бағрикенглик ва қалб сокинлигидир.
3. Тафаккур Аллоҳ азза ва жалладан хавфда бўлиш ва қўрқиш малакасини ҳосил қилади.
4. Тафаккур ҳикмат малакасини ҳосил қилади ва қалбни тирил-тиради.
5. Кўп эътибор бериш ва ваъзланиш ўтганларнинг сийратидан-дир.
6. Тафаккур катта ақлий қувват бўлиб, якка шахсларнинг огоҳлигига ва умматларнинг уйғонишига олиб боради.

«Руҳий тарбия» китобидан